# Индонезия телеканалларига Сурхондарёнинг муқаддас зиёратгоҳлари ва буюк уламолари ҳақида лавҳалар узатилади

Делегация икки ҳафта давомида Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари, жумладан, Тошкент, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилади.

Меҳмонлар ташрифнинг иккинчи куни Термиз шаҳрида бўлишди. Уларга Сурхондарё вилоятининг сайёҳлик салоҳияти, зиёратгоҳлари ва тарихий обидалари билан таништиришга доир барча қулай шароитлар яратилди.

Маълумот учун, ОАВ вакилларининг ташрифи мобайнида Индонезия миллий телевидениесининг бир неча каналларида “Ўзбекистонда рамазон” теледастури яратилиб, унда Рамазон ойида саҳарлик ва ифторлик вақтларида индонезиялик томошабинлар учун Ўзбекистоннинг муқаддас зиёратгоҳлари ва буюк уламолари ҳақида маълумот берувчи материаллар узатиб борилади.